ВАДУД МАҲМУДНИНГ МУМТОЗ АДАБИЁТГА МУНОСАБАТИ МАСАЛАСИ

М.ТОЖИБОЕВА

В статье освещена роль В.Махмуда в формировании научного подхода к изучению классической литературы.

This article is covered the role V.Mahmud in formation of the scientific approach to study of the classical literature.

XX аср бошларида вужудга келган жадид адабиётининг, қолаверса, бугунги кун адабиётининг тараққиёти учун бошланғич нуқта – бу кўҳна мумтоз адабиёт эканлиги янгилик эмас. Адабиёт ва маданиятни тараққий эттириш учун унинг тарихига мурожаат этмоқ ва ундан ўрганмоқ зарур. Жадид адабиёти ўзигача бўлган мумтоз адабиёт анъаналарини ўзида жамлади, адабиёт тарихида асрлар оша давом этиб келаётган нафис тафаккур давомийлигини сақлаб қолди. Мумтоз адабиётимиз дурдоналарини ўрганиш, ўзлаштириш, асрлар оша ярқираб турган бу бойликларни давом эттириш орқали жадид адабиёти юксакликка кўтарилди, қудратли адабиётга айланди, унинг намояндалари эса улуғ маърифат фидойилари даржасига етишдилар.

Ўтган аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири, адиб ва мунаққид Вадуд Маҳмуд (1898-1976) ўз даврида мумтоз адабиётга холис муносабат билдириш билан бир қаторда бу адабиётнинг муҳим хусусиятларини ҳам белгилайди. Бу жиҳатдан мунаққиднинг “Навоийгача турк адабиёти”, “Алишер Навоий”, “Навоий учун”, “Фузулий Бағдодий”, “Турк адабиёти тарихи” каби мақолаларида мумтоз адабиётдаги энг улуғ сиймолар ижоди таҳлилга тортилади, туркий адабиётнинг ўзига хос жиҳатлари улуғланади [1].

Вадуд Маҳмуд мумтоз адабиёт намояндалари ҳақида фикр билдирар экан, ўз даври учун анча мураккаб бўлган бу ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлик билан ифодалаб берадики, унинг фикрлари вақт синовидан ўтиб, бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ.

Адабиётшунос Б.Каримов “20-йиллар адабий муҳитида Вадуд Маҳмуд мумтоз адабиёт намуналарини ўзига хос тушуниб таҳлил қилган, гарчанд булар унга кейинчалик лаънат тамғаси тарзида босилган бўлса ҳам, сўфиёна истилоҳларни яхши идрок этувчи адабиёт илмининг билимдони қиёфасида танилган кўринади”, – дея бир ҳақиқатни тасдиқ этади [2;20]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адабиётшунос Баҳодир Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан чоп этилган “Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар” китобида мунаққиднинг мумтоз адабиётга муносабатини белгиловчи мақолалар ҳам ўрин олган.

Мумтоз адабиёт билан машғул бўлган ҳар бир олим, табиий равишда, Навоий ижодини четлаб ўта олмайди. Худди шу каби Вадуд Маҳмуд ҳам 1925 йилда ёзилган “Алишер Навоий” номли мақоласида [3] улуғ шоир ҳаёти ва ижодиётини тадқиқ этишда масалага бир неча томондан ёндашади. Жумладан, Вадуд Маҳмуд даставвал “5-аср ила 10-аср орасидаги беш юз йиллиқ бу давр Хуросон ва Мовароуннаҳрда ислом маданияти”нинг “олтун давр”и экани, бу вақтларда етишган машҳур кишилар ҳақида маълумот бериб, сўнгра ҳижрий 844 (милодий 1441) йилда дунёга келган “турк адабиётининг отаси” Алишер Навоий ҳақида гап бошлайди. Улуғ алломанинг таржимаи ҳоли, оилавий муҳити, ибтидоий ҳамда юқори таҳсили, атроф-муҳитнинг таъсири, диний-илоҳий таълими, ҳукумат ишлари билан машғул чоғлари, энг муҳими, “Мовароуннаҳрда биринчи мавқеъ қозанатурған олимлар, шайхлар, адиблар, санъаткорлар орасида” бўлганлиги, илмий ва адабий ижодиёти каби барча масалаларни эътиборда тутади.

Мақола муаллифи Алишер Навоийнинг “мутасаввифлиги” ҳақида алоҳида бўлим доирасида тўхталиб, бу даврда тасаввуф фалсафаси кенг тарқалгани ва унинг кучли намояндалари ҳам кўпайганлигини эътироф этади, шоир ижодиётининг асосини тасаввуф фалсафаси ташкил этишини қайд этади. Муаллифнинг бу борадаги “Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким, ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўриладир”, деган теран фикрларни тақдим эта олиши, мақола ёзилган даврни ҳисобга олганда, катта воқеа саналади.

Вадуд Маҳмуд мақоланинг “Илмий, адабий шахсияти” деб аталган бўлимида Навоийнинг юқори камолотга эришувида оиладаги илмий, адабий муҳит, айниқса, “отаси бир шоир ва эски анъанавий бир шоир бўлиш сифати билан ҳам асрий ва тарбиявий адабий таъсир” кўрсатганини алоҳида қайд этади. Бўлажак улуғ шоир ёшлигидан шеър ёза олгани, 14-15 ёшида эса аллақачон шоирликда муҳим мавқега эришиб, зуллисонайн шоир мақомини олганлигини тўғри белгилайди. Шунингдек, Навоийнинг форсий тилда битилган асарлари ҳам маъно ўткирлиги ва аниқлиги билан қалбларга йўл солгани эътироф этилгани, форсий асарларининг тадқиқ этилгани 20-йиллар адабиётшунослигида янги бир ҳодиса бўлгани табиий. Мунаққид Навоий ижодиётини таҳлил қилар экан, уни улуғ шоир Хусрав Деҳлавий асарлари билан қиёслайди. Навоий форсий тилда ёзган асарларнинг Деҳлавийнинг форсий тилдаги асарларига нисбатан фикр-ўй, туйғулар, ўзидаги ҳақиқат кечинмаларию илҳом учқунларини ифодалаш ва ўзгаларга инъом этишда устувор жиҳатларини тўғри белгилайди ва қуйидагича ифодалайди: “Навоийнинг “Туҳфат ул-афкор”и Хусравнинг “Баҳр ул-аброр”идан кўб ҳам қолишмайдир ва бундан кўб қимматли фикрлар юритгандир”.

Вадуд Маҳмуд мақоласининг “Навоий бир мужиддир” бўлимида Навоийнинг буюклиги мутасаввифлигида ҳам, шоирлигида ҳам, тарихчилигидагина ҳам эмас, “унинг мумтозлиги шундай қайнаган ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир” деб баҳолайди. Навоий туркий тилнинг асосий фазилати унда ҳамма нарсаларни, ички ҳиссий кечинмаларни ғоят енгил ифодалаш мумкинлиги, шеърият учун яратилган ниҳоятда бой, нафис оҳангдорлиги билан эътиборга моликлигини, туркий тилда катта-катта асарлар ёзиш у қадар қийин кечмаганлиги, чунки туркийнинг энг кучли ва энг бой жонли тиллардан бири эканлигини Вадуд Маҳмуд мақолада равшан фикрлар орқали ифодаб беради.

В.Маҳмуднинг мумтоз адабиёт масалаларига муносабатини янада ойдинлаштириш учун туркий дунёнинг яна бир улуғ сиймоси ҳақида ёзилган “Фузулий Боғдодий” номли мақоласини ҳам кўрсатиш мумкин. Мақолада муаллиф Фузулийнинг таржимаи ҳоли билан бир қаторда, шоир шеъриятини ғоявий, фалсафий-бадиий жиҳатларини мароқли ва чуқур тадқиқ қилади. Мазкур мақола улуғ шоир Фузулий ҳақидаги илмий тасаввурни шакллантиришга ҳам қаратилган бўлиб, унда шоирни туғилган ва яшаган ўрнига кўра “Боғдодий” деб таништиради.

20-йиллар адабиётшунослигида илмий қарашлар эндигина шаклланаётган бир пайтда Вадуд Маҳмуд ўзбек мумтоз адабиёти масалаларига жиддий ёндашди, равшан тафаккури орқали нафақат ўз даври, балки келажак ҳам тан олувчи фикрлар бера олди.

“Бугунги шоирларимиз ва санъаткорларимиз” мақоласида, гарчи фикр XX асрнинг бошлари шеърияти ҳақида кетаётган бўлса ҳам, мумтоз адабиётдаги “инна мин ал-шеъри лаҳикма“ (шеърдан мақсад ҳикматдир) ақидасига эътибор қаратиб, ҳар бир мумтоз шеър нафақат ўз даври, балки келажак учун ҳам хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. Мумтоз шеъриятни шундай тасниф этади: “Бизда шеърнинг икки жабҳаси бордир. Чунки ишқимиз икки жабҳалидир: ҳақиқий, мажозий. Ҳақиқий ишқ руҳи умумийга ҳулул дардидирки, энг юксак ва орифона бир амалдир. Мажозий ишқ эса оддий ва нафсоний эҳтиросдирки, умумий ва табиий бир майлдир”. Бу жиҳатдан XX аср жаҳон адабиётида урф бўлган адиб Эдгар По ижодини ўзбек мумтоз шоири Амирий шеърларига қиёслаб, америкалик ижодкорнинг “Қарға” асарида мажозий ишқ, яъни нафсоний эҳтирос ва умумий бир майл акс этганини тўғри кўрсатади. Амирий ижоди эса ҳақиқий ишқ ва орифона мазмун касб этгани учун юксакликка кўтарилганини шундай асослайди: “Умархоннинг мавзуи тасаввуфнинг юксак нуқтаси бўлган умумий руҳга фано бўлиш, қуйилиш, коинот руҳи билан бирлашиш мавзуидир. Ўшанинг ҳасратидир... Умархон шу фалсафанинг бир намояндаси бўлғанидан саҳарнинг насими, уднинг суруди, ойнинг нури, юлдузларнинг сўзлари, кечанинг қоронғулиғи унга гапирадир. Уларнинг сўзларини сезадир. Руҳлари билан сирлашадир“. Бу қиёсий таҳлилдан адабиёт илми учун зарур бўлган қуйидагича хулосага келади: “Сўзларнинг терилиши, калималарнинг оҳангдорлиғи, ҳарфларнинг садо бературган, титрайтурганларининг олиниши кўрсатадирки, Умархон ҳақиқий бир санъаткордир”.

Ушбу мақолада ҳам муаллиф Навоий ижодига такрор муносабат билдириб, шоир санъаткорлигининг юқори белгиларини кўрсатади. Умархон буюк Навоий маслаги ва ифодаларини давом эттиргани учун ҳам ирфоний мавзу ва тасаввуфий талқиннинг ўзи уни юксакликка кўтарганлигини айтади. Бундан хулосага келишида Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнун ғаминиг тасвири берилган *Кўнглига ўгулди кўҳи анжуҳ,*

Андуҳи йиғилди кўҳ то кўҳ байтини келтириш билан “ундаги “ў” товушининг угултиси, “г”нинг гумбурлаши, “ҳ”нинг сочилиб кетиши ва бу товушларнинг такрори ҳақиқатан тоғнинг йиқилиб, устига сочилиб, майдаланиб кетишига, йиқилиб, дараларнинг тўлуб, бақириб кетишига ўхшамайдирми?” дея улуғ шоир санъаткорлигини маҳорат билан аниқлаб бера олган.

Демак, Вадуд Маҳмуднинг мумтоз адабиётга муносабатини белгилашда муаллифнинг Навоий ҳақидаги қарашлари таянч нуқта вазифасини бажаради, бу орқали мунаққид мумтоз шоирлар ижодининг асоси саналган санъат дунёсига йўл топа олади. Кўринадики, Вадуд Маҳмуд мумтоз адабиётимизни юксакликка кўтара билган ва унинг жозиб сирларини аниқлай олган улуғ сиймодир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар./ Нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Т.: Маънпвият, 2007
2. Каримов Б. Мунаққид ҳақида сўз / Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 20.
3. Вадуд Маҳмуд. Алишер Навоий // Маориф ва ўқитғучи. – 1925. 3-сон. Қайта нашрлари : Ёшлик. – 1991. 5-сон (нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев); Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънпвият, 2007. – Б. 29-36 (нашрга тайёрловчи Б.Каримов).

Андижон давлат университети,
2010 йил 1 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)